



ХОРАЗМ ВОҲАСИ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Хўжёзова Дилдора Шоназар қизи
Абу Райҳон Беруний номидаги
Ургансх давлат университети талабаси
dilxojyazova@gmail.com

Аннотация: Хоразм воҳаси, ўзининг бой тарихий мероси, маданий кадриятлари ва табиий манзаралари билан туризм учун катта салоҳиятга эга. Бугунги кунда, Хоразмнинг туристик салоҳиятини ошириш учун янги ёндашувлар ва стратегиялар талаб қилинмоқда. Бу мақолада Хоразм воҳасининг туристик салоҳиятини ривожлантириш бўйича айрим масалаларга эътибор қаратилади. Шунингдек, туризм инфраструктурасини янгилаш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва маҳаллий аҳолини туризм фаолиятига жалб қилиш каби муҳим аспекти муҳокама қилинади. Хоразмда туризмнинг ривожланиши нафақат маҳаллий иқтисодий ўсишга, балки маданий алоқаларнинг янада кенгайишига ҳам ҳисса қўша олади.

Калит сўзлар: хоразм воҳаси, туризм, туристик салоҳият, инфраструктура, маданий мерос, экологик туризм, маркетинг стратегиялари, маҳаллий аҳоли, иқтисодий ўсиш

Ўзбекистон республикаси жаҳон цивилизацияси ривожланишига улкан ҳисса қўшган ва ота-боболар меъросини асраб келган санокли мамлакатлар қаторига киради, буни ташриф буюраётган сайёҳлар сонининг йилдан – йилга ортиб бораётганлигидан ҳам кўра бўлади. Республикада Фарғона (Қўқон, Марғилон), Зарафшон (Самарқанд, Бухоро) ва Хоразм воҳалари (Хива) бой тарихий-маданий ва тарихий-илмий туристик салоҳиятга эга марказлар сифатида гавдаланади. Жумладан, Хоразм воҳаси тарихий ва маданий ёдгорликларига бой. Воҳада мамлакатимиз тарихида маълум ўрин тутиб, кейинчалик турли сабабларга кўра унутилиб кетган ва ҳозирда турли кўринишда сақланиб келаётган шаҳар ва қишлоқлар, ирригация тармоқлари кўпчиликини ташкил қилади.

Воҳада, Хива шаҳридан ташқари, бир неча ўнлаб қадимий қалъалар ва архитектура ёдгорликлар бўлсада, улар қоқ инфратузилмага



(меҳмонхоналар, ошхоналар умуман хизмат кўрсатиш соҳалари яхши йўлга кўйилмаган) эга ҳамда қаровсиз аҳволга келиб қолган. Аини вақтда, соҳа мутахассислари ушбу ёдгорликлар тўғрисида тўла маълумотга эга эмас. Шу боис, хизмат кўрсатиш соҳалари аҳволини яхшилаш бўйича аниқ, тизимли чора тадбирлар ишлаб чиқилмаётганлиги туризмнинг янада ривожига тўсқинлик қилмоқда. Бунинг асосий сабаблари, бугунги кунгача, ҳудудда номоддий тармоқлар, хусусан, туризм-сервис соҳаларига камроқ эътибор қаратилиб келинганидир. Ушбу ёдгорликлар атрофидаги суғориладиган экин майдонларининг деградацияга учраши, чўллашиши, уларга борадиган каналларни кўмилиб қолиши юқоридаги ҳолатни янада кескинлашишига олиб келган.

Хоразм воҳасидаги ҳар бир қалъа қадимий шаҳар туризм ва экскурсия объекти бўлиб, бу ерда ўзига хос тарихий, археологик шаҳар қурилишига оид, экстремал шароитга эга объект ва ҳудудлар ниҳоятда кўп. Шу нуқтаи назардан бу ерда замонавий туризмни ривожлантиришнинг муқобил йўлларида бири унинг маркетингини ривожлантиришдир. Бугунги кунда воҳадаги туризм имкониятларни кўп бўлсада, уни тарғибот қилиш ишлари (йўл кўрсаткичлар, карталар, буклет ва компьютерлаштирилган рекламалар) биров ночор аҳволдадир.

Аини пайтда, Хоразм воҳасининг тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги манбалар асосида қадимий даврлар бўйича тарихий карталарини тузиш, йўл кўрсаткичлар яратиш, сайёҳлик маршрутларни ташкил қилиш, ахборотлар билан таъминлаш ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш долзарб вазифалардан биридир.

Ўтган аср бошларида С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси ходимлари томонидан воҳа ҳудудидаги қадимий маданият изларини қидириш ишлари олиб борилган. Изланишлар натижасларидан бири сифатида "Хоразм археология ёдгорликлари" картаси ишланган. Унда воҳа ҳудудидаги антик даврларда ва ўрта асрларда бунёд этилган қалъалар келтирилган. Аммо, мазкур картада қалъалар тўғрисида батафсил маълумотлар, уларнинг географик ўрни ҳам аниқ белгиланмаган, обидаларнинг қайси маъмурий туманлар доирасида жойлашгани кўрсатилмаган. Қадимий қалъаларнинг воҳа ҳудудида жойлашуви, уларнинг батафсил тафсилотлари, ҳозирги сақланиш ҳолати акс эттирилган карталар шу пайтгача яратилмаган. Шу сабабдан, Хоразм воҳасидаги тарихи ва маданиятини турли даврлардаги ҳолатини акс эттирувчи маданий, тарихий ва



экологик туризм маршрутлари кўрсатилган мукамал маълумотномалар ва замонавий технологиялар ёрдамида яратилган замонавий карталар яратиш зарурияти туғилмоқда.

Тадқиқот кўрсатишича, Хоразм воҳасида туризмнинг махсус турларини (ов қилиш, балиқ ови, қум барханлари ва экстремал шароитли ҳудудларга сайр) ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, яратилажак карталар ўқув жараёнларида фойдаланиш учун ҳам, кенг халқ оммаси ва хорижлик сайёҳлар фойдаланишлари учун ҳам муҳим маълумотнома бўлиб хизмат қилади.

Воҳада сақланиб қолган қадимий ёдгорликлар ҳамда уларни турлари бўйича муайян тизимга солиш, объектлар бўйича илмий асосланган батафсил маълумотлар бериш ва сайёҳликнинг янги йўналишларини яратиш ҳамда туризм индустриясини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Урганч давлат университети ва Хоразм Маъмун академиясининг бир гуруҳ олимлари воҳанинг Катқалъа, Ваянган (Шовот туманида), Олма отишган қалъаси (Янгиариқда), Ҳазорасп, Девқалъа (Ҳазорасп туманида) ва бошқа тарихий, рекреация (Амударё соҳилларида овчилик, тўқай ландшафтлари ва қум барханларига саёҳат, Бодайтўқай кўриқхонасига сайр, шифобахш балчиқ кўлларга саёҳат), экологик туризм объектларини батафсил ўрганиш устида кенг кўламли ишларни олиб боришмоқда. Мазкур қалъалар ва экологик туризм объектлари географияси, топонимикаси ва топографиясини мукамал ўрганиш, улар тўғрисида маълумотлар тўплаш ва карталаштириш давр талабларидан бири бўлиб, мазкур ишнинг бажарилиши воҳа туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Воҳада ўнлаб қадимий қалъа ва тарихий-маданий объектлар мавжуд. Хива шаҳри майдони бир неча гектарни ташкил этадиган йирик тарихий иншоотлар мажмуидан иборат. Шу боис, Хива шаҳри билан танишувдан сўнг (одатда, бунга бир кун кетади) иккинчи куни, юқоридаги йўналишлар бўйича тарихий, тарихий-илмий маршрутлар ташкил этилиши мумкин. Ушбу маршрутлар йўналишида туристик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини яратиш, қадимий қалъалар ва зиёратгоҳ ҳудудларда бир-бирини такрорламайдиган тадбирлар мажмуини шакллантириш кўзда тутилади.



Туризм хизмати маркетингини йўлга қўйиш кенг тадбирлар мажмуини талаб этади. Хусусан, юқорида ташкил этилиши кўзда тутилаётган маршрутларни акс эттирувчи қўлланмалар тайёрлаш ҳам шулар жумласига киради. Турли хил туристик карталар, шу жумладан, жойларнинг ГАТ (Геоахборот тизимлари) тизимли хариталарини яратиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таклиф этилаётган маршрутлар сафини янада кенгайтириш ҳар хил мақсадли турларини ажратиш туризм индустриясини янада ривожлантириш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Машҳур зиёратгоҳ кадамжолар, табиатнинг сўлим, экстремал маршрутларини ташкил этиш ва уларни воҳанинг асосий туристик салоҳияти бўлган тарихий обидалар билан уйғунлаштириб юбориш мумкин.

Ҳозирги кунда вилоятга четдан 40-55 минг турист ташриф буюрмоқда, яқин келажакда ушбу миқдорни 100 мингдан ошириш режлаштирилган. Айни вақтда аҳоли сони ва унинг моддий таъминланганлик даражасини ортиб бориши ҳам ички туризмнинг кучайишига олиб келади. Бу ҳол вилоятда хизмат кўрсатишнинг барча турларини ривожлантириш баробарида туризм хизматига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O`zbekiston Respublikasining „Turizm to`g`risidagi qonuni“. Xalq so`zi gazetasi.
2. Travel Guide Uzbekistan- Toshkent; National Company Uzbekistan 2021.
3. Xorazm viloyati statistika boshqarmasi.
4. „2017-2021 yillarda Xorazm viloyati va Xiva shaxrining turizm salohiyatini kompleks rivojlantirish dasturi to`grisida“ gi PQ- 2953 sonli qarori materiallari.
5. Turizmni rivojlantirish davlat qo`mitasi Xorazm viloyati boshqarmasi statistika ma`lumotlari Urganch, 2017 yil